

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди
№ МА-1.01
2011 йил “17” 11

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлигининг
2011 йил 17 ноябрдаги 467-сон
буйруғи билан тасдиқланган

ТАЖРИБА-SINOV

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

магистратура босқичининг барча мутахассисликлари учун

Мазкур намунавий дастур Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2011 йил 1 ноябрдаги 4-сон мажлис баёни билан тажрибавий дастур сифатида маъқулланган.

Тажрибавий дастурни келгусида тўлдирилган ва бойитилган ҳолда чоп этиш заруратини ҳисобга олиб, фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

Тошкент шаҳар, 2-Чимбой кўчаси 96-уй, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги “Маънавий-ахлоқий тарбия” бошқармаси, тел: 246-10-58, 246-10-54.

Фаннинг ўқув дастури Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Шермухамедова Н. А. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Фалсафа ва фан методологияси” кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор

Кадирова З.Р Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Фалсафа ва фан методологияси” кафедраси катта ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди

Бозаров Д. М. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Фалсафа ва фан методологияси” кафедраси катта ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди

Такризчилар:

Раматов Ж.С. Тошкент Давлат темир йўллари институти “Фалсафа ва маънавият асослари” кафедраси, мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий услубий кенгашида тавсия қилинган (2011 йил 19 августдаги 1-сон баённома).

КИРИШ

Мустақилликнинг таракқиёт йўли мамлакатимизда илмий изланишлар учун кенг имкониятлар яратди. Фаннинг барча -табiiй, ижтимоий, техника, фундаментал, амалий каби соҳаларини замон талабларига мос моддий техник ресурслар билан таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Фанни ривожлантирувчи интеллектуал салоҳият эгалари - олимларнинг, ижтимоий фаоллиги янада ошди. Шу боис, ёшларнинг ижодий фаолиятини кўллаб қувватлаш, уларнинг илмий изланишлари учун шароит яратиш ва ижод маҳсуллари рағбатлантириш учун магистратура босқичида "Илмий тадқиқот методологияси" фанини ўқитиш жорий қилинди. Зеро, магистратура мутахассисларига илмий фаолиятни ташкил қилиш методологиясини ўргатиш муҳим аҳамият касб қилмоқда.

Дарҳақиқат, Республика Президенти И.Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асари ҳамда "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"дан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда ушбу фаннинг предмети, вазифаларини ёритиш, фан доирасида ўрганиладиган асосий масалаларнинг мазмун-моҳиятини аниқлаш, илмий билиш, метод, методология, методика тушунчаларининг моҳиятини англаш, илмий фаолиятнинг назарий асослари, тамойилларини аниқлаш, илмий тадқиқотнинг типлари ва методологик ёндошувлари билиш, жамиятни демократлаштириш ва бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилинган иқтисодиёт соҳасидаги ўзгаришларнинг табiiй ва ижтимоий фанларга таъсири масалаларини ёритиш ҳозирги кунда янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, ҳар қандай илмий тадқиқот муайян мақсадга йўналтирилиши билан бир қаторда, унинг ўзига хос услубий таъминоти бўлиши, малакали мутахассис эгаллаган билимларидан қаерда, қачон ва қай даражада фойдаланиши, илмий тадқиқот натижаларининг инсон манфаатларига хизмат қилиши каби муҳим омиллар ушбу фаннинг моҳиятини чуқур ўрганиш жараёнида эгалланади. Шу боис, магистратура мутахассислари умумметодологик фанлар блокида ўрганиладиган ушбу фан тадқиқотнинг технологияси, ҳар қандай илмий изланишнинг асосий омили билимни эгаллаш ва ундан фойдаланиш маҳоратини ўрганишга қаратилган.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Ўқув фаннинг мақсади: илмий тадқиқот дастурини тузиш ва унда назария ва амалиёт бирлигига риоя қилиш малакаларини шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифалари: илмий тадқиқот ишини тайёрлашда илмий изланиш, илмий далилларнинг ролини англаш, билимдан асосий методологик восита сифатида фойдаланиш;

-илмий тадқиқот жараёнида муаммони тўғри қўйиш ва унинг ечимини топиш технологияси;

-ахборот ва ахборот технологиялардан фойдаланишнинг зарурияти;

-илмий иш маъносини тушунишнинг аҳамияти;

-илмий тадқиқот жараёнида олим масъулиятининг аҳамиятини ўрганишдан иборат.

Фан бўйича билим, малака ва кўникмага қўйиладиган талаблар

"Илмий тадқиқот методологияси" фани масалалари доирасида магистрант:

- илмий тадқиқот олиб боришнинг методологик асослари, зарурий шартлари, илмий изланишга хос асосий тушунчалар, илмий тадқиқотнинг мантикий тузилмаси, мавзунини танлаш босқичлари, тадқиқот режасини тузиш, илмий билишда умумий ва хусусий методлар, илмий-методик адабиётлардан фойдаланиш, фаннинг ўзига хос хусусиятлари, илмий тадқиқотнинг амал қилиш механизмлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши, тадқиқот структурасини **билиши керак:**

- тадқиқот жараёнини тавсифлаш, хулосаларни таърифлаш ва олинган натижаларни баҳолаш, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари фарқлаш, кенгайтирилган тадқиқот режасини ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотнинг методологик тамойиллари, илмий

лойихаларни тузиш, илмий изланишларнинг йўналишлари ҳақидаги *кўникмаларига эга бўлиши керак*;

- билимнинг конструктив характери, илмий фаолият маҳсулининг амалий аҳамиятини англаш, илмий-методик адабиётларни ишлаб чиқиш усуллари ва талабларини билиш, ҳавола бериш усуллари, мавзуни ёритиш учун матндан далилий мисоллар танлаш, уларнинг миқдорини белгилаш, қўлёзмани таҳрир қилиш, илмий ишни илмий услубда раво ва саводли ёзиш *малакаларига эга бўлиши лозим*.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

“Илмий тадқиқот методологияси” умумметодологик фанлар билан боғлиқ ва илмий тадқиқот олиб борилаётган фан соҳасида ўзлаштирилган билимларга таянади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Фан доирасида ўрганиладиган асосий масалалар магистрларнинг илмий фаолият бўйича бошланғич билимларни шакллантириши, илмий атамаларни ўзлаштириши, табиий ва ижтимоий фан соҳаларига оид назарий масалаларни таҳлил қилиши ва ёритиши, тадқиқотнинг методологик ёндошувларидан илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланишида муҳим аҳамият касб этади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

«Илмий тадқиқот методологияси» фанини ўзлаштиришда илмийлик, тарихийлик, мантикийлик, объективлик тамойилларига амал қилингани ҳолда, анъанавий усуллар, давра суҳбати, кластер, баҳс-мунозара, ақлий ҳужум, презентация каби ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Дастурда кўрсатилган мавзулар маъруза, амалий машғулот, семинар машғулотлари шаклида олиб борилади, шунингдек, фаннинг долзарб масалалари магистрларга мустақил таълим сифатида ўзлаштириш учун берилади. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, техника воситаларидан фойдаланилади. Маъруза мазмуни, амалий машғулот мавзулари замонавий педагогик технологиянинг кўринишлари ҳамда слайдлар, мультимедиа намоёнишлари орқали ёритилади.

«Илмий тадқиқот методологияси» фанининг ўқув дастури барча таълим йўналишлари учун умумий характерга эга бўлиб, ҳар бир фан бўйича ишчи дастур тузиш жараёнида шу соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда муайян ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

1-БЎЛИМ. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Фан ижтимоий-маданий ҳодиса

Фан тушунчасининг кенг ва тор маънолари. Фаннинг образи. Фан тараққиётининг асосий босқичлари. Фан тараққиётига ижтимоий воқеликнинг таъсири. Фан дунёқараш шакли. Фан ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида билим, фаолият ва ижтимоий институт. Фан тарихига оид ёндошувлар: презентизм ва антикваризм, интернализм ва экстернализм, сциентизм ва антисциентизм. Фан тарихи тараққиётининг асосий моделлари Фаннинг функциялари: маданий функциясининг ўзига хос хусусиятлари. Фаннинг ижтимоий тартибга солиш функцияси. Бевосита бунёдкор куч сифатидаги фанда нейтраллик ва ижтимоий буюртманинг намоён бўлиши. Фан сиёсат воситаси. Фаннинг ижтимоий куч

функцияси. Ҳақиқий билимни яратиш функцияси. Мафкуранинг фанга муносабати ва унинг моделлари: қоралаш; бефарқлик; раҳнамолик ва эксплуатация қилиш. Фанни белгиловчи ижтимоий-психологик омиллар. Фанданинг дифференциацияси ва интеграцияси.

Фан билишнинг махсус шакли.

Фанлар таснифига оид қарашлар тарихи. Рух ва табиат ҳақидаги фанлар. Номотетик ва идеографик методлар Динамик ва статик қонуниятлар Фан илмийлик мезонларининг тарихийлиги. Илмийлик мезонларининг таснифи. Билиш меъёрлари ва идеаллари, дунёнинг илмий манзараси. Илмий билимга нисбатан аналитик ва синтетик ёндошув. Аналитик билим тафсилотлари. Синтетик билимда янги мазмуннинг яратилиши Фандаги изчиллик, ишончлилик, асослилик, исботлилик. Ижтимоий-тарихий амалиёт ҳақиқатнинг универсал мезони Ижтимоий, техникавий, табиий, фундаментал, амалий, назарий ва экспериментал фанларнинг ўзаро алоқаси ва фарқи. Сабабият ва қонунийлик фаннинг барча жабҳаларида ҳукм сурувчи фундаментал константа.

Техника фанлари. Техника фанларининг икки тармоғи

Ижод ва илмий тадқиқот билиш фаолиятининг маҳсули

Илмий ижоднинг эвристик характери. Фан тарихида ижод муаммоси Шарқ ва ғарб мутафаккирларининг ижодга оид қарашлари. Илоҳий ижодкорликнинг ўзига хос хусусиятлари. Билиш фаолиятида ижод ва меҳнат уйғунлиги. Ижоднинг амал қилиш хусусиятлари. Илмий ижоднинг ўзига хос хусусиятлари Индивидуал ижодий фаолият. Янги билимларнинг эски билимлар билан боғлиқлиги. Ижод янги қадриятларни яратиш омили. Ижодкорнинг илҳом манбаи. Даҳоликнинг ўзига хос хусусиятлари. Ижоднинг дуал характери. Эркинлик ижоднинг асосий хоссаси. Илмий-ижодий фаолиятда олимнинг шахсий фазилятлари.

Илмий тадқиқот фаолиятининг намоён бўлиш шакллари

Илмий тадқиқотнинг бошқа ижод шакллари билан алоқадорлиги. Илмий тадқиқотнинг хоссалари. Техникавий тадқиқот. Техник ижод жараёнининг ихтирочилик, лойиҳалаштиришда намоён бўлиши Техникавий ижоднинг рационал ва утилитар хусусияти.

Бадий ижод билан боғлиқ илмий тадқиқот. Бадий ижод ижтимоий онгнинг махсус шакли.

Педагогик тадқиқот. Импровизация педагогик тадқиқотнинг кўриниши. Педагогик ижоднинг хусусий кўриниши. Ҳамкорликдаги тадқиқот. Замонавий илмий тадқиқот концепциялари.

Илмий тадқиқотда инновация ва новацияларнинг ўрни

Инновация тушунчаси ва унинг таҳлили. Илмий-ижодий фаолиятидаги инновациялар. “Кашфиёт”, “ихтиро” тушунчаларининг инновацион характери. Ихтиро-кашфиёт ва инновация ўртасидаги ўзига хос “оралиқ” ҳолат. Ихтиро муайян кашфиёт доирасида содир бўлувчи инновацион даража. Кашфиёт ва ихтиролар ижодий фаолият натижаси. Инсоният тарихидаги энг буюк кашфиётлар ва ихтиролар таснифи. Инновация янги илмий техник ютуқлардан самарали фойдаланиш воситаси. Новацияларнинг ўзига хос хусусиятлари. Новация янги илмий ғоядаги «эскилик» элементи. Илмий-ижодий фаолиятда инновация ва новацияларнинг ўрни масаласига оид илмий-назарий хулосалар

Оқилоналик ва илмий тадқиқот методологияси уйғунлиги.

Билиш фаолиятида рационаллик ва иррационаллик. Ҳозирги ҳаётнинг оқилоналашуви. Йўл танлашнинг оқилоналиги. Хабитус – бу амалиётни бошқарувчи алоҳида стихия. Хабитус ва вазиятнинг ўзаро нисбати. Ижтимоий ҳаракатнинг мақсади.

Детерминизм - муҳандислик-техникавий ёндашув доирасида қўлланиладиган назарий мавҳумлаштиришнинг пировард натижаси.

Фан ва табиатшуносликнинг ривожланиш тарихига оқилона ёндошув. Оқилоналик фаолиятни ташкил этишнинг субъектга хос бўлган универсал воситаси. Оқилоналикнинг ҳар хил моделлари. Илмий оқилоналикнинг ноклассик ва постноклассик қиёфаси. Оқилоналикнинг постноклассик қиёфаси. Янги оқилоналикнинг чексизлиги. «Очиқ» ва «ёпиқ» оқилоналик. Онг структурасида оқилоналик.

2 БЎЛИМ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТНИНГ АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

Асосий методологик ёндошувлар ва тамойиллар

Метод, методология ва методика тушунчалари. Умумилмий тадқиқот методлари. Хусусий илмий методлар. Умумий мантиқий методлар. Фан методлари. Фанлараро тадқиқот методлари. Эмпирик тадқиқот методлари. Назарий билиш методлари. Ижтимоий гуманитар фанлар методларининг ўзига хос хусусиятлари.

Ҳозирги замон методологияси: куматоид, кейс стадис, абдукция. Эвристика янги методологик тамойил

Методологик тамойил ва ёндашувлар Мувофиқлик тамойили. Тўлдирувчанлик тамойили. Системали ёндашув. Моделлаштириш тамойили ва ўхшатиш методи Тарихийлик тамойили. Метаяхлит хоссалар – Ad-hoc яхлит хоссалар

Илмий тадқиқотнинг типлари

Илмий тадқиқот типларининг таснифи. Фундаментал тадқиқотлар. Фундаментал тадқиқотларда воқелик ходисалари ва қонунлари ҳақида янги билим олиш имконияти. Фундаментал тадқиқотларнинг икки тури: эркин ва аниқ мақсадга қаратилган тадқиқотлар. Амалий тадқиқотлар. Амалий тадқиқотларнинг ўзига хос хусусияти Амалий тадқиқотларни молиялаштириш имконияти. Фан ва ишлаб чиқариш алоқадорлиги. Илмий тадқиқот фаолиятида ворисийлик ва новаторлик. Инновацион тадқиқотлар. Илмий тадқиқот типларининг ўзаро алоқадорлиги ва фарқи.

Муаммо ва муаммоли вазият илмий тадқиқотнинг бошланғич асоси.

Муаммо тушунчаси ва унинг таснифи. Муаммони тўғри қўйиш уни муваффақиятли ечишнинг муҳим шарти.

Эмпирик муаммо. Концептуал муаммо. Процедурага доир муаммолар. Методологик муаммо. Баҳолаш билан боғлиқ муаммолар. Илмий муаммонинг назарий асослари. Муаммо ва масала. Муаммоли вазият ва унинг аҳамияти. Муаммоли вазиятнинг пайдо бўлиши. Муаммоли вазиятнинг пировард негизи.

Ижод жараёнида илмий изланишларнинг аҳамияти

«Илмий изланиш» тушунчаси. Илмий изланишда илмий ва ноилмий билимларнинг ўзаро муносабати. Ҳақиқатни излашни характерловчи белгиларнинг турли туманлиги. Фан ва технологиялар маркази фаолияти–республикамизда илмий изланишларни мувофиқлаштиришнинг муҳим омили. Илмий изланиш ва таваккалчилик. Виртуал ва реал ҳақиқат, уларнинг илмий изланишлардаги аҳамияти.

Илмий тадқиқотда далилларнинг роли.

Далилнинг илмий таҳлили. Талқин қилиш далилнинг муҳим унсури. Эмпирик далилнинг муҳим жиҳати. Далилнинг моддий-техник ёки методик томони.

Илмий билимнинг ривожланишида фан далиллари умумлаштирилишининг аҳамияти. Илмий далиллар, эмпирик гипотезалар ва эмпирик қонунлар. Илмий далил ишончли кузатиш, эксперимент маҳсули. Далил илмий билишнинг эмпирик асоси.

Илмий тадқиқот методларига ахборот ва ахборот технологияларининг таъсири.

Ахборот, маълумот ва билим уйғунлиги илмий тадқиқот жараёнида билимлар ҳажмининг ўсиши. Илмий билимнинг информативлиги. Ижтимоий ахборот. Ижтимоий ахборотни ўзлаштиришнинг аҳамияти. Илмий ахборот - ижтимоий ахборотнинг билиш фаолиятида фойдаланиладиган алоҳида тури. Информатика. Ахборотлашган жамияти концепцияси. Технология ва техникани ўзлаштиришнинг илмий тадқиқот фаолиятига ижобий таъсири.

Илмий тадқиқот усуллари ва воситалари. Фанлар туташган жойда илмий билимнинг интеграл соҳаси. Информатика илмий билимнинг ўзига хос соҳаси.

Илмий тадқиқотда тушуниш ва тушунтиришнинг аҳамияти

Тушуниш ва унинг билиш билан ўзаро муносабати. Ҳозирги адабиётларда тушуниш турлари, типлари ва даражалари. Герменевтик доира. Тушуниш, тавсифлаш, тушунтириш ва талқин қилиш. «Маъно» тушунчасининг талқини. Семиотика (юнон. белги, аломат) – белгилар ва белгили тизимларнинг хоссаларини ўрганувчи фан. Символ (юнон. – рамз, шартли белги) – бу: 1) фанда (мантиқ, математика ва б.) белги; 2) санъатда – илоҳий образнинг уни англаш, ифодалаш ёки муайян бадиий образ нуқтаи назаридан тавсифи. Ижтимоий билишда диалог.

Илмий тушунтиришнинг дедуктив-номологик модели. Телеологик ёки интенционал тушунтириш. Тушунтириш ва тушунишнинг ўзаро нисбати. Тушуниш маънавий маданиятнинг моддийлаштирилган ифодаси.

Илмий тадқиқотда интуициянинг роли.

Интуитив билиш даражаси. Интуиция – ҳақиқатни мантиқий далиллар ёрдамисиз, бевосита англаб етиш қобилияти. Интуиция бевосита билим, сезги аъзолари орқали билиш шакли, Интуитив билимнинг илмий тадқиқот фаолиятидаги роли.

Интеллектуал интуиция ҳақидаги таълимот. XX аср бошида ҳар хил мактаблар: Гуссерлнинг феноменологик интуицияси, Бергсоннинг интуитивизми. Фрейднинг онг ости интуицияси. Интуициянинг илмий тадқиқот жараёнига таъсири.

Олимнинг ижтимоий масъулияти.

Ҳозирги замон олимнинг портрети. Ижтимоий масъулият тушунчаси ва унинг зарурияти. Олимнинг ижтимоий масъулияти инсониятнинг тур сифатида сақлаб қолишнинг бош омили. Олим ижтимоий масъулиятининг уч жиҳати. Профессional ва ижтимоий масъулият уйғунлиги. Конформизм йўли. Олимнинг меҳнати ва консенсус. Консенсусга эришиш даражалари, Коинот ва табиатнинг азалий муаммолари. Олимларнинг учрашувлари ва мулоқотини таъминлаш шакллари. Оқилона қобилиятларнинг ҳаддан ортиқ ривожланиши. Фан тарихчилари профессионаллашув жараёни. XX асрда фанда ҳаваскорлар ва дилетантларнинг ўрни. Илм одамлари, интеллектуал элита ва суперинтеллектуал элита назарияси.

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотлари мавзу бўйича режа ва тавсия қилинган адабиётлар асосида ўтказилади. Талаба мустақил тайёргарлик кўриб, тўплаган билимларини дарс вақтида ҳимоя қилади.

Семинар машғулотларини уюштириш бўйича тавсия қилинадиган тахминий мавзулар:

1. Фан, ижод ва илмий тадқиқот уйғунлиги.
2. Оқилоналик ва илмий тадқиқот методологияси уйғунлиги
3. Илмий тадқиқотнинг асосий типлари
4. Методлар ҳақида маълумот

5. Муаммо ва муаммоли вазиятнинг ўзаро алоқадорлиги
6. Илмий изланишларнинг ижод жараёнида намоён бўлиши.
7. Илмий тадқиқотда далилларнинг роли.
8. Илмий тадқиқот методларига ахборот ва ахборот
9. технологияларининг таъсири.
10. Тушуниш ва тушунтириш муаммоси
11. Интуиция ва интуитив билиш даражалари.
12. Олимнинг профессионал ва ижтимоий масъулияти.

Изоҳ: Мазкур рўйхатдаги мавзулардан семинар машғулоти учун ажратилган соатлар ҳажмига мос ҳолда фойдаланиш тавсия этилади

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

-мустақил ишни тайёрлашда фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- семинар машғулоти ташкил қилиниши;
- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъруза қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- ўқув, илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулоти;
- масофавий таълим.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Интенционал ва телеологик тушунтиришнинг аҳамияти.
2. Олимлар фан ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида.
3. Илмий тадқиқотнинг типлари
4. Фаннинг дифференциацияси ва интеграцияси
5. Илмий билимда мавжуд қоидалар ва ҳулосаларнинг оқилоналиги.
6. Ижодий фаолиятнинг турлари
7. Муаммони қўйиш илмий тадқиқотнинг бош омили.
8. Методларнинг таснифи.
9. Ахборот –объектив реалликнинг муҳим қисми.
10. Информацион вазият тушунчаси ва унинг тавсифи.
11. Тушуниш, тавсифлаш, тушунтириш ва талқин қилиш турлари, типлари ва даражалари.
12. Назарий тадқиқот методлари.
13. Эмпирик тадқиқот методлари.
14. Умумантикий тадқиқот методлари
15. Интуитив билиш даражаси.
16. Элита ва интеллектуал элита назарияси
17. Олимларнинг учрашувлари ва мулоқотини таъминлаш шакллари.

Изоҳ: Мустақил иш мавзулари фаннинг бўлимлари бўйича ишчи дастури шакллантирилаётганда машғулоти учун ажратилган соатлар ҳажмига мос ҳолда фойдаланиш тавсия этилади

Дастурнинг информацион–методик таъминоти

Дастурдаги мавзуларни ўрганишда замонавий интерфаол методлардан кенг фойдаланиш, ўқув жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш самарали натижа беради. Талабалар билан мустақил ишларни ташкил қилиш жараёнида

хамда турли-туман ўқув машғулотида – маъруза, семинар, коллоквиум, амалий машғулоти жароғида мавзуларга доир слайдлардан фойдаланиш, дидактик усуллари қўллаш назарда тутилади.

Фойдаланиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Рахбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами.1-19 жилдлар. - Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996-2011.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган Саммити ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь
4. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – таррақиётимизнинг муҳим омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2010 йил 8 декабрь.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 440 б.

Асосий адабиётлар

1. Бургардт Ф. Новые горизонты в исследовании поэтического стиля. -Киев.: Науково Думка, 1995.
2. Туленова К.Ж. Предвидении и реальность. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998. -141 б.
3. Туленов Ж.Т. Диалектика. -Т.: Ўзбекистон, 2000.-180 б.
4. Фалсафа қисқача изоҳли луғат. -Т.: Шарқ, 2004. –384 б.
5. Фалсафа қомусий луғат . -Т.: Шарқ, 2004. -468 б.
6. Шермухамедова Н.А. Социально-философский анализ стиля научного мышления.Дисс. докт филос. Наук -Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2002
7. Шермухамедова Н Falsafa va fan metodologiyasi. Toshkent 2009 – 436 b
8. Шермухамедова Н.А. Фалсафага кириш (электрон дарслик).www.ziyounet.uz

Қўшимча адабиётлар:

1. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантик. –Т.: Университет, 2005, -262 б.
2. Шеллинг Ф.В. Философия искусства -М.: Наука, 1996. –180 с.
3. Шлейермахер Ф. Диалектика. –М.: АСТ, 1992. -270 с.
4. Файзуллаев А.Ф. Инерция мышления: трудности перехода от старого к новому // Ж. Общественные науки в Узбекистане. 1991. № 3. –С. 14-18.
5. Файзуллаев О. От алгебры ал-Хорезми до современных алгебр // Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация. –Т.: Фан, 2000. –С.17-21.
6. Файзуллаев О. Интуиция ва инстинкт // Фалсафа ва фан методологияси. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ. 2006. –Б. 52-55.

7. Шевмохов П. К вопросу о принципе гносеологической инвариантности // Философские науки. 1992. – С.68.
8. Шермухамедова Н.А. Взаимосвязь вертикального и горизонтального мышления // Рационализм и культура на пороге третьего тысячелетия. -Ростов на-Дону.: СКНЦ ВШ, 2002.-С.101-102.
9. Ёкубова М. Жамяят тараккиётида ахборотлашув ва ахборот технологияларининг аҳамияти. –Т.: Университет, 2006. -28 б.
10. Султанова Т. Проблемы развитие интеллектуального потенциала независимой Республики Узбекистан. Автореф.дисс. канд. филос.наук.-Т.: 1995.-18 с
11. Турашбекова А.К. Научное мировоззрение и его влияние на формирование стиля мышления творческой интеллегении: автореф дисс. канд.филос.наук.-Т.: Пед институт, 1990. -19 с.
12. Туленов Ж.Т.Диалектика назарияси. –Т.: Фан, 2001

Интернет ресурслари:

1. www.ziyonet.uz
2. www.philosophy.ru.
3. <http://www.intencia.ru>.
4. <http://www.anthropology.ru>
5. <http://www.ido.rudn.ru>.
6. <http://www.filosofia.ru>.
7. <http://www.falsafa.dc.uz>.
8. <http://www.phenomen.ru>.
9. <http://www.lib.ru/filosof>.
10. <http://www.filam.ru/sait.phg>.